



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
FANLAR
AKADEMIYASI



**MUZEYLAR: AN'ANA, NOVATSIYA VA
RENOVATSIYA INTEGRATSIYASIDA**
xalqaro ilmiy-amaliy anjuman to'plami

2024-yil 1-aprel

TOSHKENT 2024




Рис. 2. Структура 2Na -ЭДТА
ЭДТА





Рис.3. Комплексообразование иона
сионами металлов, (M- ион металла)



Гибридная версия
4s и 4p орбиталов

Рис. 4. Образование возможных комплексных связей иона Си за счёт гибридной версии 4s и 4p орбиталов

КАРИМОВА Д. О.

тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

ЎзР ФА Ўзбекистон тарихи давлат музейи

Тарих илмий бўлими мудири

САМАРҚАНДНИНГ ҚАДИМ ЎТМИШИДАН

Аннотация: Ушбу мақолада Самарқанд ҳудудининг қадим ўтмиши тарихидан гувоҳлик берувчи археологик ёдгорликлари, уларнинг ўрганилиши ҳамда топилмалари таҳлил этилган. Ушбу ёдгорликларнинг Самарқанд ҳудудини ёритишидаги аҳамияти очиб берилган.

Калит сўзлар: Самарқанд, ёдгорлик, гор, сопол, Сазагон, Мўминобод, қабр, заргарлик, топилма.

Аннотация: В данной статье анализируются археологические памятники, свидетельствующие о древней истории Самаркандской области, их исследования и находки. Выявлено значение этих памятников в освещении Самаркандской области.

Ключевые слова: Самарканд, памятник, пещера, керамика, Сазаган, Муминабад, могила, украшения, находка.

Annotation: This article analyzes archaeological monuments that testify to the ancient history of the Samarkand region, their research and findings. The significance of these monuments in the illumination of the Samarkand region is revealed.

Key words: Samarkand, monument, cave, ceramics, Sazagan, Muminabad, grave, decorations, find.

Самарқанд нафақат кўп асрлик тарихга эга маданий шаҳар сифатида маълум, балки энг қадимги даврлар – палеолит, мезолит, неолит ва бронза даврига тегишли ноёб ёдгорликлари билан ҳам машҳурдир. Археологлар томонидан олиб борилган изланишлар давомида бу шаҳар энг қадимги даврларда ҳам инсон эътиборини ўзига тортган ҳудуд бўлганлигини асословчи далилларга эга ёдгорликлар топилган. Бундай ёдгорликларнинг энг қадимийси Омонқўтон ёдгорлигидир. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида мустъе даври одамларининг яшаш маскани бўлганлиги аниқланган [8, – С. 101-106]. Ғордан топилган асосий меҳнат қуроллар тошдан ишланган.

Омонқўтонликлар хўжалик турмушида табиий оловдан унумли фойдаланишган, ўчоқ, кул қолдиқлари ва ёнида ҳайвон суяк қолдиқлари, тош қуроллар топилган. Бу ҳайвон суяк қолдиқлари таҳлили Омонқўтонда яшаган неандерталлар асосан Осиё муфлони ва қўнғир айиқ овлаганликлари аниқланган.

Яна бир Самарқанд ҳудудидаги ёдгорлик сўнги мустъе даврига тегишли Такаликсой ғоридир. Бу ғор археолог Д.Н. Лев томонидан ўрганилган. Ғор ҳудудига солинган бир неча кузатув шурфларида ҳайвон суяк парчалари, кул ва бир нечта тошдан буюмлар топилган. Тош қуроллар сўнги мустъе даврига тегишли эканлиги аниқланган. Такаликсой ғорида одамлар Омонқўтон ғоридан анча вақт ўтгач яшаган [1, – С. 23]. Бу шундан далолат берадики, Самарқанд шаҳар ҳудуди палеолит даврида инсоният яшаб, ҳаёт кечиришлари учун қулай яшил ҳудуд бўлган.

Самарқанд шаҳридан юқори палеолит даври ёдгорликлари ҳам топилган. Улардан диққатга сазовари 1969 йилда Сиёб дарёсининг чап соҳилидан топилган. Афросиёб археологик комплексини ўрганиш жараёнида Ў. Алимов бошчилигидаги илмий ходимлари Сиёб дарёсининг қадимги чап қирғоғидан турли тошлардан турлича кўринишда ясалган тош буюмлар топилган.

Шу йилнинг ўзида Самарқанд шаҳар ҳудудида яшаган ибтидоий одамлар изларини аниқлаш бўйича кузатув ишларида Булунғур туманидаги Хўжамазгил қишлоғи ҳудудидан юқори палеолит даврига тегишли манзилгоҳ топилган. Ўрганишлар натижасида бу ҳудуд ибтидоий инсонлар томонидан кенг ўзлаштирилган. Ёдгорлик яхши сақланган бўлиб, 3 гектардан ортиқ ҳудудда кўплаб тош буюмлар топилган. Даврий жиҳатдан бу комплекс

Самарқанд юқори палеолитининг сўнгги босқичига тегишли, деган хулосага келинган [2, – С. 81-82].

Изланишлар натижасида Самарқанд худудидан Сазағон ва Тим қишлоғидаги манзилгоҳдан бир нечта буюмлар топилди [3, – С. 144]. Сазағоннинг юқори қисмига шурф солинганда 600 га яқин кремний тошдан ясалган буюмлар топилган. Улар турли кўринишда бўлиб, мил.авв. 4-3 минг йилликларга тегишлидир. Бу тош қуроллар Зарафшоннинг қўйи оқими неолит даври ёдгорлиги топилмаларини эслатади. Бу шундан далолат берадики, Самарқанд билан қадимги Бухоро воҳасининг ғарбий қисми аҳолиси ўртасида ўзаро алоқалар бўлган [7, – С. 99-112].

Самарқанд худудидаги кейинги ёдгорлик бронза даврига тегишли бўлиб, бу давр ёдгорлиги иккита пунктдан топилган.

Биринчи манзилгоҳ 1959 йилда Каттақўрғон яқинидан топилган Навкатепа манзилгоҳидир. Бу манзилгоҳ археологик топилмаларга бой эмас. Таги текис сопол тувак парчалари, байрамона безак солинган идиш оғзи ва шу қаторида идишга кичик учбурчак белгилар туширилган. Идишнинг бўйин қисмигача паралелли чизиқлар билан ажратилган. Бу идишлар дашт бронзаси даври ёдгорликларига хосдир. У ёдгорликлар Андроново маданияти номи билан маълум [7, – С. 30-72;].

Бронза даврига тегишли кейинги ёдгорлик Мўминобод қишлоғидан топилган қабристондир. Бу ёдгорлик 1964 йил Д.Н.Лев ва А.Аскарлов томонидан олиб борилган изланишлар натижасида аниқланган. Қабристонда жами 5 та қабр бўлиб, қабр ўра шаклида, скелет ғужанак ҳолатда ёнбошга, боши эса ғарбга қаратилган. Бу қабрлардан кўплаб буюмлар топилган [1, – С. 91-95; 5, – С. 56-62]. Уларнинг кўп қисмини сопол буюм парчалари ташкил этиб, уларда турли белгилар: учбурчак кўринишдаги нақшлар, қисқа чизиқлар, зигзак ва штамп билан ишланган синиқ чизиқларни учратиш мумкин. Шунингдек дон майдалагичнинг қисмлари топилган.

Мархумнинг зеб зийнат буюмлари алоҳида эътиборни тортади. Улар кичкина қўйма мунчоқлар, олтин билан қопланган кумуш узуклар, бронза ва олтиндан кўнғироқ шаклидаги зирғалардан иборат. Бир учида кўнғироқ бор бронзадан ясалган билакузуклар, унчалик катта бўлмаган бронза ойналарни ташкил этади. Бу зеб-зийнат буюмлари қабр ичида бўлиб, мархум ҳаётлик даврида кийиб юрган кийими ва тақинчоқлари билан дафн этилган бўлиши ҳақиқатга яқиндир.

Ушбу археологик комплексда одамлар қандай яшаганлиги, кимлар эканлигини Мўминобод қабристонидаги қабрлардан, улардаги ашёлардан аниқлаш мумкин. Бу ёдгорлик мил. авв. II минг йилликнинг тўртинчи чорагининг сўнггида яшаган чўл бронза даври одамларига тегишли ёдгорликдир [2, – С. 83].

Археологик топилмаларнинг типологик таҳлили шуни кўрсатадики [6, – С. 65-66], Новкатепа манзилгоҳи ва Мўминобод қабристони Самарқанднинг қадимги аҳолиси Ўрта Осиёнинг бошқа худудлари – Қозоғистон ва жанубий Сибирь чўл аҳолиси билан иқтисодий ва маданий

алоқада бўлганлар. Краниологик таҳлиллар уларни Ўрта Осиё қадимги аҳолиси антропологик типига яқин эканлигини кўрсатади.

Самарқанд шаҳрига қадим ва навқирон сўзининг ишлатилиши беъжиз айтилмаганлиги юқорида келтириб ўтилган Самарқанд худуди ёдгорликларнинг ўрганилиши ҳам тўлиқ асослайди. Бироқ, ушбу ёдгорликлар вақтида ҳимоя қилиниб, музейлаштириш, ҳеч бўлмаганда очик музейлар даражасида эътибор қаратилганда бугун дунёдан келадиган сайёҳлар нафақат Регистон майдони, Улуғбек мадрасаси, Бибиҳоним масжиди сингари ўрта аср ёдгорликларинигина эмас, Самарқанднинг қадим ўтмиш тарихидан гувоҳлик берувчи ёдгорликлардан ҳам баҳраманд бўлган бўлар эди. Бу эса юртимизда туризмни янада ривожланиши учун, дунё халқлари қадим тарихимизни ҳам билиб олиш имконини берган бўлар эди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Аскарлов А.А., Лев Д.Н. Древнейшие следы пребывания человека на территории Самарканда, История Самарканда, т. I, Тошкент, 1969.
2. Аскарлов А., Ташкенбаев Н. Древнейшее прошлое Самарканда // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1970. №9.
3. Аскарлов А.А., Лев Д.Н. Первобытная культура города // История СССР, 1970, № 1.
4. Аскарлов А.А., Лев Д.Н. Погребение бронзовой эпохи близ г. Самарканда // КСИА АН СССР, вып. 108, М., 1966.
5. Аскарлов А. Раскопки могильника эпохи бронзы в Муминабаде // История материальной культуры Узбекистана, вып. 8, Ташкент, 1966.
6. Аскарлов А. Могильник эпохи бронзы // КСАИ АН СССР, №122, М., 1970.
7. Гулямов Я., Исламов У., Аскарлов А. Первобытная культура в низовьях Зарафшана. Ташкент, 1966.
8. Лев Д.Н. Палеолит Самаркандской области и его специфические особенности // Труды Сам ГУ им А. Навои, вып.166, Самарканд, 1967.

ЛЕВТЕЕВА Л. Г.

*старший научный сотрудник,
кандидат исторических наук,
Государственный музей
истории Узбекистана*

АЙРТАМСКИЕ НАХОДКИ

Аннотация: Городище Айртам, расположенное в 18 км к западу от Термеза на правом берегу Амударьи, – один из наиболее интересных античных памятников Бактрии. С ним связаны находки замечательных каменных составных капителей с высокохудожественными рельефными изображениями полуфигур музыкантов и

MUNDARIJA

BIRINCHI SHO‘BA: TARIXIY MADANIY MEROSNI MUZEYLASHTIRISH JARAYONLARI: AUTENTLIK, NOMODDIY VA MODDIY MEROS TALQINIDA

МУСАКАЕВА А.А. МОНЕТЫ ВИЗАНТИИ В ЧАЧЕ	5
ЗИЯЕВ А..... ШАРКИЯ (БЕНАКЕТ, ШАХРУХИЯ) – СРЕДНЕВЕКОВЫЙ ГОРОД ТАШКЕНТСКОГО ОАЗИСА.....	14
DAVLATOVA S.T... TARIXIY MADANIY MEROSNI MUZEYLASHTIRISH: NAZARIY JIHATLARI VA TADQIQ ETISHNING USLUBLARI.....	20
МАХМУДЖОНОВА ГУЛЗОДА АкayMEMLÛK SULTANI İLE TİMURLU HÛKÛMDARLARI ARASINDA ELLİ YILI AŞKIN BİR SÛREDİR DEVAM EDEN KÂBE ÖRTÛSÛ MESELESİ.....	26
АРИПДЖАНОВ О. Ю. К ТЕХНОЛОГИИ ПРОИЗВОДСТВА НЕГЛАЗУРОВАННОЙ КЕРАМИ ТАШКЕНТА	31
РАСУЛОВА Д. Б. ФРАНЦУЗ ВА ЎЗБЕК ОЛИМЛАРИНИНГ МОДДИЙ МАДАНИЯТ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШ БЎЙИЧА ИЛМИЙ ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ.....	35
АХМЕДОВ Ж. З ЎЗБЕКИСТОНДА НОМОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОС МУҲОФАЗАСИ.....	41
БОБОМУЛЛОЕВ М.Г. ХИМИЧЕСКАЯ ОЧИСТКА СТАРИННЫХ МЕДНЫХ МОНЕТ ТРИЛОНОМ Б	45
КАРИМОВА Д. О. САМАРҚАНДНИНГ ҚАДИМ ЎТМИШИДАН.....	49
ЛЕВТЕЕВА Л. Г. АЙРТАМСКИЕНАХОДКИ	52
АХМЕДЖОНОВ N. A. MADANIY MEROS OBYEKTLARINI MUZEYLASHTIRISHNING ANAMIYATI.....	59
БОГОМОЛОВ Г. И. БРОНЗОВАЯ ПЕЧАТЬ С ГОРОДИЩА КАНКА (ИЗ ГОСУДАРСТВЕННОГО МУЗЕЯ ИСТОРИИ УЗБЕКИСТАНА).....	65
НОРКОБИЛОВ Т., МИНАСЯНЦ В. БРОНЗОВЫЕ ПОДНОСЫ XI-XII ВВ. ИЗ СОБРАНИЯ ГОСУДАРСТВЕННОГО МУЗЕЯ ИСТОРИИ УЗБЕКИСТАНА.....	73
MIRZAYEV B. N. MUHAMMAD SHAYBONIYXON MADRASASINING BUNYOD ETILISHIDA MENRI SULTON XONIMNING TUTGAN O‘RNI..	83
ZIYAYEVA R. A. TIM MO‘JIZASI	87
НОРМУРОДОВ Д., ХОЛОВА Н., НАСИРОВ К. МОНЕТЫ, ЧЕКАНЕННЫЕ В САМАРКАНДЕ, ИЗ КЛАДА XV – НАЧ. XVI ВЕКА, НАЙДЕННЫЕ В МАХАЛЛЕ «ЯНГИ САНГАНАК».....	91
BEKENOVA A. A. MUZEYLARDA DO‘STLIK VA BAG‘RIKENGLIK INTEGRATSIYASI.....	95
МАМБЕТНАЗАРОВА А. СИМФОНИЯ ТРАДИЦИОННОСТИ В КРАСКАХ	